



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И**

07-сон

2012 йил 25 май

Тошкент шаҳри

**Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция
суди ажримлари тўғрисида**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2014 йил 23 майдаги 8-сонли ва 2014 йил 2 октябрдаги
16-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартиш,
қўшимчалар ва тузатишлар билан)*

Фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўришда ажримлар чиқарилиши масалаларини тартибга солишга доир қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўришда ажримлар чиқариш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликка риоя этилиши, ишни судда кўришга лозим даражада тайёрлашни, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлашни, шунингдек, иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳал қилув қарори чиқарилишини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

2. Тушунтирилсинки, биринчи инстанция суди ажримлари, ишни апелляция, кассация тартибида кўриш натижаси бўйича чиқариладиган ажримлардан фарқли равишда, ишни мазмунан

ҳал қилмайдиган суд акти ҳисобланади (ФПК 237-моддаси биринчи қисми).

Биринчи инстанция суди ажримлари суд томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш, судда кўриш ёки ҳал қилув қарорларини ижро этиш босқичида алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида ҳам (алоҳида хона (маслаҳатхона)га кириш йўли билан), ажрим матнини суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан ҳам (алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан) чиқарилиши мумкин.

3. Фуқаролик процессуал кодекси 237-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, биринчи инстанция суди мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал қилиш бўйича алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмаган ҳолда ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажримлар, жумладан, учинчи шахслар, вакиллар, давлат бошқарув органларини ишда иштирок этишга жалб қилиш ёки ишга кириши, прокурорнинг ишда иштироки, гувоҳларни чақириш, бошқа далилларни чақириб олиш ёки ишга қўшиш, ишни кўришни кейинга қолдириш ёки давом эттириш, қарши даъвони қабул қилиш, далилларни текшириш тартибини белгилаш, далилларни жойида кўздан кечириш, ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилиш ва суд музокараларига ўтиш бўйича чиқарилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги мазмунидан келиб чиққан ҳолда, суд ўз хоҳишига кўра, юқорида қайд этилган ҳар қандай масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақли.

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримларга, жумладан, қуйидагилар тўғрисидаги ажримлар кирази:

аризани ҳаракатсиз қолдириш (ФПК 154-моддаси), аризани қабул қилишни рад этиш (ФПК 153-моддаси), аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш (ФПК 151-моддаси), даъвони таъминлаш (ФПК 248-моддаси), ишни судда кўришга тайёрлаш (ФПК 160-моддаси), далилларни таъминлаш (ФПК 64-моддаси), суд топшириқлари (ФПК 65-моддаси), ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариб бериш (ФПК 83-моддаси), экспертиза тайинлаш (ФПК 84-моддаси), жавобгарни кидириш (ФПК 140-моддаси), ишни судда кўришга тайинлаш (ФПК 161-моддаси), рад қилиш талабини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик (ФПК 29-модда-

си), ишни суднинг ёпиқ мажлисида кўриш (ФПК 10-моддаси), ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш (ФПК 224-моддаси), иш юритишни тўхтатиб туриш ёки тиклаш (ФПК 95, 96-моддалари), жарима солиш (ФПК 122-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш (ФПК 42-моддаси), тарафлар, учинчи шахс ёки қонуний вакилни процессуал ҳуқуқий ворис билан алмаштириш (ФПК 43-моддаси), далиллар қабул қилишни ёки талаб қилишни рад этиш (ФПК 58-моддаси), бир турдаги ишларни бирлаштириш (ФПК 156-моддаси), бир неча талабни ажратиш (ФПК 157-моддаси), ишни судда кўришни тиклаш (ФПК 205-моддаси), ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш (ФПК 147-моддаси), ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очик арифметик хатоларни тузатиш (ФПК 213-моддаси), ҳал қилув қарорини тушунтириш (ФПК 215-моддаси), ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш (ФПК 220-моддаси), ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро усули ва тартибини ўзгартириш (ФПК 216-моддаси), дарҳол ижро этишга қаратилмаган ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш (ФПК 222-моддаси), сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш (ФПК 232-моддаси), аризани кўрмасдан қолдириш (ФПК 98-моддаси), иш юритишни тугатиш (ФПК 100, 101-моддалари), суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш (ФПК 238⁵-моддаси), суд буйруғини бекор қилиш (ФПК 238¹⁰-моддаси), процессуал муддатларни узайтириш ва тиклаш (ФПК 130-моддаси).

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримларга, шунингдек, ФПК 19-моддасига мувофиқ чиқариладиган хусусий ажримлар киради.

5. Қонунда биринчи инстанция суди ажрими мазмунига нисбатан, унинг кўринишидан келиб чиққан ҳолда, муайян талаблар қўйилган (ФПК 238-моддаси).

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлар, одатда, кириш, асослантурувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Ажримнинг кириш қисмида ажрим чиқарилган вақт ва жой, ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлиси котиби, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти кўрсатилади.

Ажримнинг асослантирувчи қисмида суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар баён этилиши лозим.

Ажримнинг хулоса қисмида суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси, ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддатлари кўрсатилиши лозим. Ажримнинг хулоса қисми уни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун аниқ ва тушунарли ифода этилган бўлиши керак.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда ФПК 65, 84, 98, 101, 153, 180, 194, 238¹⁰, 309⁸, 309¹³-моддаларида назарда тутилган масалалар бўйича чиқариладиган ажримлар мазмунига нисбатан қўшимча талаблар белгиланган.

Суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан чиқариладиган ажримлар муҳокама этилаётган масаланинг предметини, суд хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонун нормаларини, суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосасини ўз ичига олиши лозим (ФПК 238-моддаси 4, 5, 6-бандлари).

6. Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда апелляция, кассация ва назорат тартибида қуйидаги ҳолларда шикоят берилиши мумкин, агар:

ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи ФПК муайян норма-сида назарда тутилган бўлса;

ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи ФПК муайян норма-сида назарда тутилган бўлмаса, бироқ суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилса.

Суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда, жумладан, қуйидаги ажримлар устидан шикоят ёки протест берилиши мумкин:

аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги;

ҳаракатсиз қолдирилган аризани аризачига қайтариш тўғрисидаги;

далилларни таъминлашни рад этиш тўғрисидаги;

даъвони таъминлаш тўғрисидаги;

иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги;

жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш-ни рад этиш тўғрисидаги;

ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги;

хусусий ажрим;
ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масалалари бўйича;
сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш
ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги;
ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ арифметик
хатоларни тузатиш тўғрисидаги;
қўшимча ҳал қилув қарори чиқаришни рад этиш тўғрисидаги;
ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги;
ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб
ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш
тўғрисидаги;
ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар
бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги;
аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги;
иш юритишни тугатиш тўғрисидаги;
ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала
бўйича;
процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги;
суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад
этиш тўғрисидаги;
ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган
муддатини тиклашни рад этиш тўғрисидаги.

7. Судларга тушунтирилсинки, биринчи инстанция судининг
алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқарилган қуйидаги
ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган
ҳолда шикоят ва протест берилмайди:

аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги;
аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги;
ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги;
далилларни таъминлаш тўғрисидаги;
суд топшириғи тўғрисидаги;
жавобгарни қидириш тўғрисидаги;
ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариш тўғрисидаги;
ишни судда кўришга тайинлаш тўғрисидаги;
ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги;
рад қилиш талабини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик
тўғрисидаги;
ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш тўғрисидаги;

хуқуқий вориснинг процессга кириши тўғрисидаги;
шахсни судда вакил сифатида қатнашишига рухсат бериш
тўғрисидаги;

ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисидаги;

бир неча талабни бирлаштириш ва бир неча талабни ажра-
тиш тўғрисидаги;

жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш
тўғрисидаги;

сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш
ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолат-
ларга кўра қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғри-
сидаги;

йўқолган ишни тиклаш масаласи бўйича;

баённома юзасидан билдирилган ёзма фикрларга қўшил-
маслик тўғрисидаги;

процессуал муддатларни кечиктириш ва тиклаш тўғриси-
даги;

суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги.

Суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда устидан
шикоят, протест берилмайдиган ажримларига нисбатан эътироз-
лар апелляция, кассация шикояти (протести)га, назорат тарти-
бида протест келтириш тўғрисидаги аризага шикоят ёки назорат
тартибида келтириладиган протестга киритилиши мумкин.

8. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, биринчи
инстанция судининг суд мажлиси баённомасига киритиш йўли
билан чиқариладиган ажримлари шу суд томонидан процесс
иштирокчиларининг илтимосномаси ёки суднинг ўз ташаббу-
сига кўра бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Суд-
нинг илтимосномани қаноатлантиришни рад этиши манфаатдор
шахсни судга шундай илтимоснома билан такроран мурожаат
қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган ҳол-
ларда, биринчи инстанция судининг алоҳида процессуал хуж-
жат кўринишида чиқарилган ажримлари ҳам тарафларнинг ил-
тимосномасига кўра, шу суд томонидан бекор қилиниши мум-
кин (ФПК 99-моддаси иккинчи қисми).

9. Биринчи инстанция судлари ажримлар чиқариш чоғида
Олий суд Пленумининг муайян тоифадаги фуқаролик ишлари

бўйича процессуал қонунчиликни қўллаш тўғрисидаги қарорларида берилган тушунтиришларга ҳам рия этишлари лозим (масалан, «Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»ги, «Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги, «Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида»ги, «Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги, «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги ва бошқалар).

10. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва вилоят судлари вақти-вақти билан биринчи инстанция судлари томонидан ажримлар чиқарилиши амалиётини умумлаштирсинлар ҳамда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар қўлласинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

Б. Мустафаев

Пленум котиби,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси

А. Усманов